



A LOOK AT THE DRAMATURY OF JADIDISM

Po'latova Noilaxon Abdumalikovna¹

¹ Teacher of Kokand State Pedagogical Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4768589>

ARTICLE INFO

Received: 5th May 2021
Accepted: 10th May 2021
Online: 15th May 2021

KEY WORDS

Jadid, drama, turon, pesa,
culture, art, playwright, art,
culture

ABSTRACT

This article tells the story of Mahmudhoja Behbudi, one of the founders of the Jadid playwright.

ЖАДИДЧИЛИК ДРАМАТУРГИЯСИГА БИР НАЗАР

Пўлатова Ноилахон Абдумаликовна¹

¹ Кўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 5-May 2021
Ma'qullandi: 10-May 2021
Chop etildi: 15-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Жадид, драма, турон,
пьеса, маданият, санъат,
драматург, санъат,
маданият.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада жадидчилик драматургисининг асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида ҳикоя қилинади.

Жадидчилик XIX-асрнинг охири ва XX-асрнинг бошларида ижтимоий маърифатпарварлик оқими сифатида вужудга келди. Жадидлар жаҳолат ва колоқликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашдилар, юрт ва халқни илму-маърифат кучи билан миллий уйғонишга чорлаб, охир-оқибатда ватан мустақиллигига эришиш, тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олиш орзулари билан яшаб, ижод қилдилар.

Жадидчилик ҳаракати Русияга тобе мусулмонлар истиқомат қиладиган

худудларда вужудга келди. Жадидчиликка асос солиб, “усули жадид” тушунчасига таъриф берган зот собиқ Қирим хонлигининг пойтахти Боғчасаройда яшовчи Исмоилбек Гаспрали (1851-1914) эди. У жадидчилик ғояларини ўзи нашр этиб, мусулмон ўлкаларига тарқатиб “Таржумон” газетаси воситаси билан тарғиб этди. Шу билан бирга жадидчиликни вужудга келтирган асосий сабаб ўлкаларда Исмоил Гаспрали сингари зотларнинг пайдо бўлаётганида эди.



Ижтимоий қолақлик ва жаҳолатга қарши кураш жадиждларнинг бош шиори бўлиб, бу зарарли унсурларни улар давлатни бошқаришдан тортиб, халқнинг яшаш тарзи, эски, умрини ўтаб бўлган одатларнинг асири бўлиб қолганида, диний эътиқодда билимсизлик, яроқсиз, номуносиб усулларнинг мавжудлигида, деб билдилар. Шу сабабдан жадиждларнинг ҳар қандай ташаббуси ҳукумат идоралари томонидан қораланади. Уламоларга жадиждларнинг илоҳиётда саводхонликни, Қуръон тили ва тафсириларини билишни талаб этишлари, асосан масжид вақфлари ихтиёрида бўлган маориф - эски мактабларни янги мактаблар билан алмаштириш режалари ёқмайди. Турмуш ва маданиятда жадиждларнинг янгича, замонавий яшашга чақиритилари, китоб, газета, журналлар нашр этиб халққа тарқатиш юзасидан бошлаган ҳаракатлари, санъатнинг янги тури - театрни тарғиб этишлари мутаассиб уламолар ғазабига сабаб бўлади. Лекин уламолар орасидан ўзининг исломиятда ҳам, дунёвий билимларда ҳам саводи баланд тошкентлик Мунаввар қори Абдурашидхонов, самарқандлик шаҳар муфтиси Маҳмудхўжа Бехбудий сингари кишилар мутаассиб руҳоний уламоларга қарши кураш билан бирга ҳаётдаги ҳар қандай фойдали янгилик, хусусан театр санъатини ҳимоялаш, унинг ривожига кенг йўл очиш, тарғиб қилиш ишларига ўзларининг бор қучларини сарфлайдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий биринчи ўзбек адабий драмаси “Падаркуш”, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Тошкентда очилган “Турон” номидаги биринчи янги ўзбек театрнинг ташкилотчиларидан бири бўлиб қоладилар.

Ўзбек адабий драмасининг туғилиши жадиждларнинг янги ўзбек миллий театр санъатини яратиш йўлидаги

фаолиятлари билан боғлиқ. Улар театрни миллий маданиятнинг янги шакли сифатида тарғиб қилиш билан бирга унинг ғоявий асосини ташкил этувчи репертуар – драма, трагедия ва комедияларни яратиш, ижрочи труппаларни уюштириш, уларнинг иқтисодий ва бошқариш муаммоларини ҳал этишни ҳам ўз зиммаларига олдилар.

Жадиждлар ўзбек театрнинг ҳам тарғиботчиси, ҳам яратувчиси бўлиб майдонга чиқдилар. Уларнинг кўпчилиги бир вақтда тарғиботчи, ташкилотчи, драматург, режиссёр, актёр сифатида фидойилик билан ижод қилган халқ, ватан фидойилари эдилар.

Шуларнинг етакчиларидан, биринчи ўзбек адабий драмаси “Падаркуш” трагедиясининг муаллифи Маҳмудхўжа Бехбудий эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий шу билан бирга буюк маърифатпарвар – янги маориф- мактаб ва ўқув тизими тарғиботчиси, қатор ўқув қўлланмалар муаллифи, журналист, машҳур “Ойна” (1914-1915) журналининг ношири, ислом дини тарихини пухта билувчи уламо, “Мухтасари тарихи ислом”, “Амалиёти ислом” сингари китобларнинг муаллифи, етук жамоат арбобидир.

Маҳмудхўжа Бехбудий драматург бўлиши билан бирга, янги ўзбек театрни етакчи тарғиботчиларидан, дунё театрлари тарихидан хабардор, театрларни тараққий этган мамлакатлар ижтимоий-маданий ҳаётда тутган ўрнини ўрганган, шулардан хулосалар чиқариб, Туркистон ўлкаси, умуман ислом оламида театрни ҳимоя ва тарғиб қилган санъат дарғасидир.

У ўзи муҳаррирлик қилган “Ойна” журналида театрни давлат миқёсида маданиятнинг муҳим соҳаси эканини исботи учун Оврупо мамлакатларида уларнинг мавқеини кўрсатиш мақсадида



еттита давлат мисолида театрларнинг сони ва қанча аҳолига бир театр тўғри келишини кўрсатади. Масалан, ўша вақтда Италияда 544 театр бўлиб, 65 минг кишига бир театр ; Францияда 596 театр бўлиб 66 минг кишига бир театр ; Испанияда 228 театр бўлиб, 68 минг кишига бир театр, Англияда 372 театр бўлиб, 97 минг кишига бир театр ; Германияда 364 театр бўлиб, 123 минг кишига бир театр, Австрияда 215 театр бўлиб 133 минг кишига бир театр, Русияда 149 театр бўлиб, 850 минг кишига бир театр тўғри келишини¹ таъкидлаб, Туркистон санъатнинг бу туридан умуман махрум эканини маълум қилади.

“Театр надур ? ” деган махсус мақолада Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг сахна санъати хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилар экан, жумладан театр миллат тараққиётининг етакчи омилларидан бири бўлиб, илғор мамлакатларда одоб ва ибратдан дарс берувчи мактаб, яхшини ёмондан ажратувчи элакисфат торозу, ўқигандан, эшитгандан кўра зўрроқ таассурот қолдирувчи томоша маскани, унда фаолият кўрсатувчи ижрочи – актёрлар масхарабозлардан тубдан фарқ қилувчи ахлоқ муаллимлари бўлиб, ривож топган юртларда олий табақага мансуб кишилар қаторида ҳурмат-эътибори икки баробар баланд кишилар эканини уқтиради.

“Театр ойнадурки, умумий ҳолларни, анда мужассам ва намоён суратда кўзликлар кўруб, кар-қулоқсизлар эшитиб, асарланур (таассурот олур – Т.Т.). Хулоса, театр ваъз ва танбеҳ этгувчи ҳамда зарарли одат, урф – ва таомилни, қабих ва зарарини аёнан кўрсатгувчидир. Ҳеч кимни риоя қилмасдан тўғри сўйлагувчи ва очик ҳақиқатни билдиргувчидир”, - деган хулосага келади.

¹ “Ойна”, 1914, 29 март, № 23, с.356.

Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг издошлари бўлган Туркистон жадидлари театр ҳақидаги бор ҳақиқатни аниқлаб баён этиш, шундай санъат турини ўз мамлакатада кўриш орзулари билангина яшамайдилар. Балки уни яратиш ва ҳаётга жорий қилишни мақсад қилиб оладилар. Бу ишнинг бошида турган Маҳмудхўжа Бехбудий карвонбоши сифатида биринчи ўзбек адабий (ёзма) драмаси “Падаркуш” (Ота қотили) трагедиясини яратади (1911).²

Пьеса жадидлар диққат – марказида турган жаҳолат ва билимсизлик, фарзанд – авлод тарбияси, ватан ва халқ қисмати мавзуини ёритади. Асар воқеаси фожеанинг қаҳрамони бойнинг уйида бир кечада, уч – тўрт соат давомида содир бўлиб, якун топади.

Олими замоний бўлмоқ учун болаларни аввало мусулмоний хат ва саводини чиқариб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини биладургандан сўнгра ҳукуматимизни низомий мактабларинда бермоқ керакдур: яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилганларидан сўнг Петербурк, Масков дорилфунунларига юбориб, доктурлик, закунчилик, инжинерлик, судялик, илми тижорат, илми зироат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқутмак лозимдур. Русия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керакдур. Ва давлат ва мансабларига кирмоқ лозим. Токи маишат ва эҳтиёжи замониямиз тўғрисида ватан ва миллат, исломга хизмат қилсин. Ва подшоҳлик мансабларига кириб, мусулмонларга нафъ етқурилса ва давлати Русияга шерик бўлинса, ҳаттоки шул тариқа ўқуган

² Маҳмудхўжа Бехбудий. “Падаркуш ёхуд (ўқимаган боланинг холи).” Туркистон маишатидан олинган парда 4 манзарали. Биринчи миллий фожеа театрусидир Самарқанд, 1913.



мусулмон болаларини Фарангистон, Америка ва Истанбул дорилфунунларига тажриба учун йибармоқ керакдур”.

Жаҳолат, лоқайдлик ботқоғига ботган ва беомон ғафлат уйқуси ўз қаърига олган Бойга бу гаплар кор қилиш ўрнига суҳбат давомида у бир неча бор пинакка кетади ва охири хуррак отиб, донг котади. Саъйи –ҳаракатлари зоега кетган зиёли афеус – надомат билан Бой хонадонини тарк этади.

Пьесада кейин юз берадиган воқеалар Бой қилмушларининг оқибати сифатида давом этади. Бойнинг ўғли Тошмурод ўзига ўхшаш саводсиз, бекорчи ва безори улфатлари билан маишат учун пивохонода тўпланишади. Ҳаражатга пуллари етмаганидан Бойнинг уйига ўғирликка тушишни режалаштириб, Тошмуродни бирга бориб, отасининг бойликлари турадиган жойни кўрсатишга кўндирадилар. Фитнанинг бошида турган Давлат ишни бажариш учун Тошмуродга Тангрикулни қўшиб Бойнинг уйига жўнатади. Тошмурод Тангрикулни отасини ухлаб ётган ётоқхонасига бошлаб кириб, пул турадиган сандикни кўрсатади. Тангрикул сандикка калит солади, очилмагач ўзи билан олиб келган темир билан уни бузади. Қарсиллаган овозга бой уйғонади, ва шовқин билан бурчакда турган хассани олиб Тангрикулга ташланади. Тошмурод ота кўлидаги таёқни ушлайди. Пайтдан фойдаланиб Тангрикул Бойни пичоклайди. Бой ҳалок бўлади. Воқеадан хабар топганлар – Бойнинг хотини, хизматчи ва яқин қўшни эркаклар киришади. Тошмурод тўпланганларни чўчитиш мақсадида ҳавога тўппончадан ўқ узиб, Тангрикул билан қочади ва пивохонога кетиб улфатлари билан базми давом этдиради. Жиноятчиларнинг изидан қувиб келган полициячилар, пристав ва қоровуллар ота қотили – падаркуш

Тошмурод, Тангрикулнинг қўлларига кишан солиб, қолган икки улфати – Давлат ва Норни уларга қўшиб қамоқхонага олиб кетадилар. Шундай қилиб Бой ўз нодонлиги, билимсизлиги, жохиллигининг қурбони бўлиш билан бирга фарзанди, оиласи истиқболининг заволига ҳам сабабчи бўлади.

Маҳмудхўжа Бехбудий “Падаркуш” пьесасида халқ иши, ватан равнақи учун хизмат қилиши мумкин бўлган Бойнинг ўз нодонлиги туфайли ҳатто оталик бурчини ҳам адо этаолмаганлиги, шу туфайли ўз умри ва ёлғиз фарзанди келажагига зомин бўлганини кўрсатади.

Муаллиф пьесада иштирок этувчи образлар бадиий қиёфасини акс этдиришда ҳаётий ва жонли ифода усулларидан яхши фойдаланган. Бой қарашлари тор, муомалада қўпол, ўзи айтганидай бойликдан бошқа нарсани тан олмайдиган, беписанд ва лоқайд одам қиёфасида тасвирланса, Домулла жохил уламолардан тубдан фарқ қилувчи, оқил, теран фикрли, замон ва келажакка қараб фикрлайдиган аҳли диннинг илғор вакили сифатида кўрсатилади. Зиёли Домуллага ҳамфикр, шу билан бирга замон зайлини ва келажакни, янги авлод тарбиясини теран англаб, унга ҳамоҳанг яшаш йўлида бошқаларга эриш туюлса-да, эски одатларга қарши тик боради. Масалан, намойишкорона тарзда оврупоча кийинади, рус тилини билади, бойнинг киноясига эътибор бермай, стулда ўтиради. (Бой Хайруллага “Хайрулла курси келтир. Бу киши ерга ўлтира олмайдур”, - деб, заҳарханда қилади.) Илғор фикрли Домулла нос отса, у папирос чекади. Пивохононинг эгаси Артун, Туркистонда иш кўрувчи армани миллатига мансуб ишбилармонлардек



ватанга қўшни озарбойжон лахжасида гапиради.

Маҳмудхўжа Бехбудий ижодий фаолияти ва қарашларида маърифатли бўлиш – билимни тарғиб қилиш, замон янгиликларидан огоҳ, дини ислом ва эътиқодда саводхон бўлишни тарғиб қилиш билан бирга халқнинг яшаш тарзидаги эски, зарарли урф-одатларни қоралайди, номларини бирма-бир санаб миллатини “кемирувчи иллатлар” деб

атайди. Уларнинг орасида айниқса тўй ва аза расм-одатлари муносабати билан қилинадиган ҳаражатларни миллатнинг “икки қаттол душмани” деб атайди. Бу душман на фақат унинг бор-йўғини айни вақтда умрини ҳам кемиришни куйиниб ёзади. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг издош ҳамфикрларидан Нусратилла Қудратилла ва Абдулла Қодирий хатна ва никоҳ тўйи мавзуларида махсус пьесалар ёздилар.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Т. Турсунов, Ўзбек театри тарихи – Тошкент -2008 й.
2. Ризаев О. XXI аср ўзбек театри: муаммолар ва режалар. “Театр”, 2002 йил, 6-сон.
3. Ризаев О. Мақсад баркамол сахна асари яратиш. “Театр”, 2003 йил, 1-2-сонлар.